

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**389** Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш» авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-94) 2-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
17 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2141-1*

*(2011 йил 27 сентябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ИКАОнинг стандартлари ва тавсияларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2010 йил 18 августдаги 96-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш» авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-94) (рўйхат рақами 2141, 2010 йил 15 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 37-сон, 324-модда) 2-иловаси иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бошлиқ**

**Т. ЎЛЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 18 август,  
101-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш  
давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил  
18 августдаги 101-сонли буйруғига  
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон  
Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво  
кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва  
дам олиш вақтини нормалаштириш» авиация  
қоидаларига (ЎЗР АҚ-94)  
2-ИЛОВА

### Парвоз вақтининг давомийлиги МЕЪЁРЛАРИ

Ҳаво кемасининг тури, ходимлари	Парвоз вақти (соатда)		
	учиш куни	ой	йил
1. Транспорт авиацияси учун			
а) Экипажнинг учиш ходимлари:			
Б-767, Б-757, А-310, А-300/600, А-320, RJ-85	Меъёрлаштирил-маган	90	900
Ил-76, Ту-154, Як-40, Ан-12	Меъёрлаштирил-маган	75	750
Ил-114, Ан-24, Ан-26	Меъёрлаштирил-маган	70	700
б) экипажнинг хизмат кўрсатувчи ходимлари:			
Борткузатувчи — аёл	Меъёрлаштирил-маган	85	850
Борткузатувчи — эркак	Меъёрлаштирил-маган	90	900
Ил-76, Ан-12, Ан-26 ХКга бортоператор	Меъёрлаштирил-маган	80	800
2. Транспорт ва махсус авиация ишларида (АХИдан ташқари):			
Вертолётлар	8	70	700
Ан-2 ва ЎЕУА	8	80	800
3. АХИда ўта хавfli ўғитлар:			
Ан-2 ва ЎЕУА	5	80	800
4. Минерал ўғитлар уйғунлигида ўртамиёна — хавfli пестицидлар билан ишлашда ва минерал ўғитлар ва кам хавfli пестицидлар, биоқўшимчалар, аэросев уруғлиги билан ишлашда:			
Ан-2 ва ЎЕУ	7	80	800

»

Мазкур ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекис-

тон авиаходимлари касаба қўмитаси Марказий кенгаши, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири*

**А. ХАИТОВ**

*2011 йил 18 август*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

**А. ИКРАМОВ**

*2011 йил 18 август*

*Ўзбекистон авиаходимлари  
касаба қўмитаси Марказий  
кенгаши раиси*

**Ш. МИНГАЛИЕВ**

*2011 йил 18 август*

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»  
миллий авиакомпанияси  
бош директори*

**В. ТЯН**

*2011 йил 18 август*